



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - avgust

587a -son

Bog‘ot shaharchasi

Фукаро Матёкубов Икром
Абдуллаевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Богот тумани “Нурли маскан” маҳалласида яшовчи фукаро Матёкубов Икром Абдуллаевичнинг “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 17 февралдаги ШЯ-М-635-сонли аризасини, “Нурли маскан” маҳалласи фукаралар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Богот туман филиалининг 2021 йил 15 февралдаги 399-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фукаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Богот тумани “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 76,51 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 195,59 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 272,10 квадрат метр, қурилиш ости майдони 345,48 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фукаро Матёкубов Икром Абдуллаевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фукаро Матёкубов Икром Абдуллаевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Матёқубов Икром Абдуллаевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

· **Боғот тумани ҳокими**



Ш.Яхшибаев